

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

29 май 2018 й.г. № 395

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида  
юкларни ташиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларини янада такомиллаштириш, шунингдек, юкларни ташишда экологик хавфсизликни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига қуйидаги мазмундаги 88<sup>1</sup> ва 88<sup>2</sup> - бандлар қўшилсин:

“88<sup>1</sup>. Қурилиш материалларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, саноат ва озиқ-овқат товарларини, шунингдек, бошқа тўкиладиган (иссиқ асфальт, йирик габаритли ва оғир юклардан ташқари) юкларни очик автотранспорт воситаларида ташиш юкни мажбурий тартибда брезент ёки бошқа қалин материал билан қоплаган ҳолда амалга оширилади.

88<sup>2</sup>. Автотранспорт воситаларининг қурилиш объектларидан кузовни ва автотранспорт воситаларининг ғилдирақларини ювмасдан умумий фойдаланиладиган йўлларга чиқишига йўл қўйилмайди”.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов

